2011 ЙИЛ 6 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 202 (12.013)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




**Кеча «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Марказий Осиё саноат ҳафталиги» халқаро анжумани доирасида бирйўла учта — «Тоғ-кон иши», «Металлургия ва машинасозлик» ҳамда «Йўл қурилиш ва коммунал техника» кўргазмалари иш бошлади.**

Кўргазмалар

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ САНОАТ ҲАФТАЛИГИ

Ушбу тадбир ташкилотчиси «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг ҳамкори — Буюк Британиянинг «I.T.E Exbitions & Conferences Ltd.» компанияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги анжуманнинг расмий қўллаб-қувватловчиларидир.

Марказий Осиё саноат ҳафталиги бирлашган экспозицияларини айланар эканмиз, уларда йигирмата мамлакатдан 70 дан зиёд компаниялар ўзларининг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари ва хизматларини кенг намойишга қўйганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўз навбатида бундай кенг кўламли кўргазмани ўтказиш борасида тўпланган тажриба бу тадбир саноат йўналишидаги компаниялар орасида юксак мақом касб этгани ва йил сайин оммалашаётганини кўрсатди. Стендларда миллий экспозициялари билан Қозоғистон, Чехия Республикалари, Норвегия Қироллиги қатнашди. Белорусь, Германия, Швеция, Дания, АҚШ, Туркия, Финляндия, Жанубий Африка, Австрия, Буюк Британия, Хитой, Канада, Россия, Италия каби хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз ўзларининг илмий-техник салоҳиятларини кенг намоён этишмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2011 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва соҳаларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар таҳлилига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросининг таъминланиши, жумладан, соҳаларда 2011 йил учун белгиланган иқтисодий кўрсаткичларнинг, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида Комплекс бўйича жами 2 триллион 324 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 121,6 фоизни ташкил этди. Аҳолига 1 триллион 142 миллиард сўм (121,1 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Комплекс соҳаларига 214,9 миллион АҚШ долларилик инвестициялар жалб қилиниб, белгиланган кўрсаткичлар 223 фоизга бажарилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 161 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишининг бориши, комплекс таркибига кирувчи вазирлик, идораларда ижро интизомининг аҳволи атрофлича таҳлил қилиниб, бу борада амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Мажлисда мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, болалар учун спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлиги, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда корхона, ташкилотларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги ҳолати, архив ишини такомиллаштириш ва марказий давлат архивларини реконструкция, модернизация қилишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, вазирлик ва идоралар матбуот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг расмий веб-сайтлари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, аҳолига ахборот бериш ва интерфаол хизматлари кўрсатишни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган устувор вазифалар ижросини оғишмай амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

ВЛАДИМИР СПИВАКОВ:

## ЎЗБЕКИСТОНДА САНЪАТ ЮКСАК ҚАДРЛАНАДИ

**Маънавиятни юксалтириш, кишилар қалбига олижаноб туйғуларни жо этишда, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашда мусиқанинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида санъат ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг тобора кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.**

«Туркистон» саройида 5 октябрь куни ўтказилган россиялик таниқли дирижёр ва скрипкачи Владимир Спиваков раҳбарлигидаги МДҲ мамлакатлари Ёшлар симфоник оркестрининг катта концерти бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган ушбу концертга турли вазирлик ва идоралар, жамоат тузилмалари, юртимиздаги халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, санъатшунослар, маданият ва санъат арбоблари, ўқитувчилар, талабалар таклиф қилинди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳамюртларимиз, айниқса, ёш авлодни юксак фазилатлар, эзгу инсонпарвар ғоялар асосида тарбиялаш мақсадида мусиқа санъатини ривожлантириш, бу йўналишда изланаётган ижодкорлар меҳнатини рағбатлантириш, муҳташам санъат саройлари барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, жаҳоннинг етакчи композиторлари, мусиқашуносларининг маърифий анжуманлари, созанда ва хонандалар иштирокидаги ижодий кўрик-танловлар, санъат ҳафталиклари, концертлар, турли лойиҳалар миллий мусиқа санъатимиз ривожида эришилган улкан ютуқларимизни жаҳон узра намойиш қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 мартдаги «2011 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 59-сонли қарорига мувофиқ, жорий йилнинг **25-29 октябрь** кунлари «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар саройида V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ташкил этилади.

Шу муносабат билан ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни мазкур тадбирда иштирок этишга ҳамда йирик ва кичик саноат корхоналари орасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга чорлаймиз.

Тошкент шаҳри бўйича координатор – Тошкент шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси.

**Маълумот учун телефонлар:** 233-76-19, 239-04-73, 239-04-94, 233-75-78.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Миллий матбуот марказида «Дунёдаги юзага келаётган ноқулай метеорологик вазиятларни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз метеорология тизимининг ҳолати, унинг техник базасини такомиллаштириш, марказ фаолиятининг тезкорлик ва интерактивлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **«МИРОБОД»** спорт мажмуасида 11-12 ва 13-14 ёшли маҳалла болалари ўртасида «Ўзбек жанг санъати» республика кубоги мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи ўйинлари ўтказилади.

✓ **КЕЧА** Республика Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбир «Миллий анъаналаримиз маънавиятимиз гулшанидир» деб номланди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Бутунжаҳон яшаш жойларини муҳофаза қилиш кунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Чинор» экологик нашриёти, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда экологлар, тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари ва журналистлар иштирок этди.**

**• Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, тадқиқотчи ва халқаро экспертлар иштирок этди.**

**• Асакадаги пластмасса ҳамда атторлик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ойназар» хусусий корхонасида техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилгач, маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки баробарга ортди. Ушбу мақсад учун тадбиркор Г. Халилова банкдан 30 миллион сўм миқдорида кредит олди. Корхонанинг 40 миллион сўм маблағини қўшиб, сифат кўрсаткичларини тубдан яхшилаш имконини берадиган илғор технологик линиялар келтирди. Натижа кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Жамоа аъзолари ўтган йилнинг олти ойида 20,6 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришган бўлса, модернизация шарофати билан бу кўрсаткич жорий йилнинг шу даврида 41,9 миллион сўмга етди.**

**• Балиқчи туманида «SANO MED SERVIS» тиббиёт маркази биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Марказда бир кунда 50 кишига ташхис қўйиш ва даволаш ишлари олиб борилади.**

### ЖАҲОНДА

**• АҚШ Мудофаа вазирлиги мамлакатдаги 16 та махсус хизмат идорасидан хорижий хакерлар томонидан компьютер технологиялари ёрдамида, яъни интернет тармоғи орқали керакли орган ва ташкилотлар компьютерларига кириб тижорат сирлари ўғирланиши оқибатида кўрилган реал зарарларни аниқлашни илтимос қилди. Баъзи тасдиқланмаган маълумотларга кўра, айнан хакерлар етказаётган иқтисодий зарарлар йилига юзлаб миллиард долларни ташкил этмоқда, дея хабар беради «Washington Post» газетаси.**

**• Германия аҳолисининг 15,7 миллион нафари келиб чиқиши муҳожирлар оиласидан экан. Бу мамлакат умумий аҳолисининг бешдан бир қисмига тенг, дея хабар беради «Zeit» журнали 2010 йилги статистик манбаларга асосланиб. Аммо муҳожирларнинг ярмидан кўпи, яъни 8,6 миллиони немис фуқаролигини олган шахслардир. Муҳожирларнинг 70 фоизга яқинини Европа мамлакатларидан келиб қолган фуқаролар ташкил этади. Энг кўп муҳожирлар Туркиядан келган — 14,1 фоиз. Иккинчи ва учинчи ўринда Польша ва Россиядан кўчиб келган муҳожирлар туради — 10,5 ва 9,2 фоиз.**

**• Кемерово области губернатори Аман Тулеев маҳаллий қонунчилик кенгашига тез тиббий ёрдам хизмати ходимларини муҳофаза қилиш бўйича янги қонун яратиш юзасидан топшириқ берди, дея хабар тарқатди «Российская газета».**

**• Калифорнияда 6 мингга яқин маҳбус ўтган ҳафтанинг душанбасидан бери очлик эълон қилишни давом эттирмоқда. «The News York Times» газетаси хабар қилишича, улар талабига яна 8 та қамоқхона маҳбуслари ҳам қўшилди. Маҳбуслар қамоқхона шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар.**

**• Канада шимолида «Cessna-208 Caravan» енгил моторли самолёт портлаши натижасида борт ичидаги 4 нафар одамдан 2 нафари ҳалок бўлди.**

**• Мисрнинг Нил дарёсида йўловчиларнинг сайр қилиши учун мўлжалланган кема ҳалокати оқибатида 10 нафар одам жабрланди.**





Таълим масканларида

# ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

**Бугунги кунда юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жаҳон андозалари даражасидаги жиҳозлар билан таъминланган замонавий ўқув масканларини кўриб, кўзимиз қувнайди. Келажагимиз пойдевори бўлган фарзандларимизнинг ҳар томонлама билимли, ҳунарли, маънан етук, комил инсон бўлиб вояга етишлари йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар барчамизнинг қалбимизни фахрга тўлдиради.**

Сергели енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси ҳам 2009 йилда тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга эга бўлди. Ҳозирда таълим масканида 605 нафар ўқувчи таҳсил олиб, уларга 51 та малакали ўқитувчилар, 6 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари билим бериб, ҳунар ўргатишмоқда.



— Коллежимизда ўқувчилар бухгалтерия ҳисоби, кенг турдаги кийимлар модельер-конструктори, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, транспорт воситаларида ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш ва созлаш бўйича техник мутахассисликлари бўйича таҳсил олади, — дейди директор Азиза Қосимова. — Таълим масканида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш мақсадида «Очиқ эшиклар» куни ташкил қилинган бўлиб, йил давомида режали равишда битирувчи ёшларга тушунтириш ишлари олиб борилади, маслаҳатлар берилади. Эътиборлиси, коллежимизда истеъдодли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Ўқувчиларимиз шаҳар фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритганлар. Туманда ўтказилган коллежлараро гимнастика бўйича спорт мусобақасида ҳам биринчи ўринни эгалладилар.

Шуни ҳам таъкидлаш keракки, ўқув масканида «Уста-шогирд» тизими йўлга қўйилган. Муассаса шаҳримиз ва Тошкент вилоятида жойлашган 49 та иш берувчи корхоналар билан ҳамкорлик шартномасини тузган. Ушбу ташкилотларда амалиёт ўташ учун 313 нафар 2,3-босқич ўқувчилари бириктирилди. Амалиёт базаларида ўқувчиларга етарли шароитлар яратиб бериш юзасидан туман ҳокимликлари ҳамкорлигида «Уста-шогирд» режаси асосида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари ўқувчиларнинг билимларини ошириш мақсадида ўқув масканида 15 та фан тўгараклари фаолият юритмоқда, спорт секциялари иши яхши йўлга қўйилган. Шу билан бирга «Касб маҳорати», «Мутахассислик — сенинг келажагинг» мавзуларида ўтказилган кўрик-танловларда ўқувчилар фаол иштирок этиб, совринли ўринларга эга бўлдилар.

Дарҳақиқат, таълим масканида таҳсил олаётган ўқувчилар турли хил тадбирларда қатнашиб, ҳар соҳада билимдон, зукко, улкан истеъдод эгаси эканликларини намоён этишмоқда. Бинобарин, эртамиз эгалари бўлган ёшлар ҳар томонлама илмли ва малакали, етук мутахассис бўлиб етишишлари давр талабидир.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Сергели енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи фаолиятидан лавҳалар.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ САНОАТ ҲАФТАЛИГИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Тоғ-кон иши — 2011» 6-Ўзбек халқаро кўп қиррали кўргазмасида кон қазиш саноати техникаси ва технологиялари, фойдали қазилмаларни излаш, қазиб олиш ва бойитиш соҳасидаги янги ғоялар ва стратегиялар ушбу тармоқ барча мутахассислари учун қизиқарлидир. Ўзбекистон тоғ-кон қазиб олиш саноатининг етакчи корхоналаридан бўлган «Навоий тоғ-кон металлургия комбинати» кўргазмада марказий ўрин эгаллагани, жумладан, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси — ягона қора металлургия корхонаси сифатида босқичма-босқич модернизациялаш жараёнини давом эттиришаётгани билан тизимда алоҳида ўрин тутишаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

«Металлургия, машинасозлик ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш — 2011» 4-Марказий Осиё кўргазмаси ташриф буюрувчилар томонидан эътироф этилмоқда. Боиси, машинасозлик — мамлакатимиз иқтисодиётининг анъанавий тармоқларидан бирига айланиб улгурган. Ўнлаб йиллардан буён фаолият юритиб келаётган 300 дан зиёд машинасозлик ва металлга ишлов бериш корхоналари мавжудки, уларни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги лойиҳаларни яратиш борасида мазкур кўргазмалар муҳим аҳамият касб этади.

«Йўл қурилиш ва коммунал техника — 2011» 3-халқаро кўргазмасининг бош мавзуси — саноат объектлари, шунингдек юртимиз миқёсида ва халқаро аҳамиятга молик бўлган йўлларни такомиллаштириш ва қуриш масалалари бўлиб, тадбирдан марказий ўрин эгаллаган «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси мутасаддиларининг таъкидлашича, ҳукумат қарорига кўра яқин беш йил ичида йўл қурилиш ва йўл таъмирлаш махсус техникаси сотиб олиш учун 120 миллион АҚШ доллари ажратилган. Республика йўл жамғармаси 2012 йилда ДАК бўлинмалари учун махсус техника харидига иккита лойиҳани молиялаштиришни бошлайди.

Саноат ҳафталиги доирасида ўтказиладиган конференциялар, давра суҳбатлари анжуманлар қайд этилган соҳа мутахассислари иштирокида ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига бевосита алоқадор бўлган кенг доирадаги масалалар муҳокамасига бағишланади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

**ВЛАДИМИР СПИВАКОВ:**

# ЎЗБЕКИСТОНДА САНЪАТ ЮКСАК ҚАДРЛАНАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бундай эзгу ишларда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Жамғарма томонидан ўтказилаётган бир қатор лойиҳалар ҳамюртларимизни жаҳон санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд қилиш, ижодкорлар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш имконини бераётир. «Келажак овози», «Янги авлод», «Асрлар садоси» сингари танлов ҳамда фестиваллар санъатнинг сеҳрли ва мафтункор дунёсига қадам қўйган истеъдод соҳиблари ижодини янги, янада юксак талаблар асосида ривожлантириш, фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Жамғарма томонидан Испания, Франция, Бельгия, Австрия, Германия, АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия сингари давлатларда ўтказилган концертлар, тақдимот маросимлари, «Ўзбекистон санъати байрамлари»да миллий санъатимиз бор жозибаси, мафтункорлиги ва гўзаллиги билан дунё шинавандалари эътиборига ҳавола этилаётир.

Россиялик таниқли дирижёр ва созанда Владимир Спиваков раҳбарлигидаги МДҲ мамлакатлари Ёшлар симфоник оркестрининг юртимиздаги концерти «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми»нинг ихлосмандлар қизиқиши ва эътиборидаги яна бир муҳим лойиҳаси бўлди.

В.Спиваков 1944 йилда Россиянинг Черниковск шаҳрида таваллуд топган. Илк муваффақиятига ўн уч ёшида Санкт-Петербургдаги «Белые ночи» фестивалида эришган. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида ўтказилган яккахон ҳамда дунёнинг машҳур оркестрлари таркибидаги концертлари моҳир созандага катта шуҳрат келтирган.

Халқаро мусиқашуносларининг фикрича, оҳангларни нозик тарзда идрок этиш, мусиқий асар муаллифининг ижодий ғоясини теран англаш, куйининг таърифга ожиз бўлган таъсир кучини, руҳи ва фалсафасини тингловчига моҳирона етказа олиш В.Спиваков ижодида устувор ўрин тутади.

1979 йилда дирижёр томонидан «Виртуозы Москвы» камер оркестрининг ташкил этилиши унинг ижодида янги саҳифа очди. Ушбу ижодий жамоанинг концертлари АҚШ, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Франция, Испания каби давлатларда катта муваффақият билан ўтказилди. Айни пайтда В.Спиваков кўпгина давлатларнинг машҳур созандалар жамоалари, Италиянинг «Санта-Чечилия» академияси, Милан шаҳридаги «Ла Скала» опера театридаги оркестрлар таркибида концертларда дирижёрлик қилди. Ўтган вақт мобайнида унинг ижросидаги мусиқалар ёзилган қирқдан зиёд компакт-диск мухлислар эътиборига ҳавола этилган. В.Спиваков 1994 йилда ота-онасиз, мураккаб тақдирли ва хаста болаларга кўмак кўрсатиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, улар ижодини янада ривожлантириш мақсадида хайрия жамғармасини ташкил қилган.

В.Спиваков раҳбарлигидаги МДҲ мамлакатлари Ёшлар симфоник оркестри концертининг Ўзбекистонда ўтказилиши томошабинларга санъаткорнинг серқирра фаолияти билан яқиндан танишиш, мусиқа сеҳридан баҳраманд бўлиш имконини берди.

2007 йилдан буён фаолият кўрсатаётган мазкур оркестрнинг мусиқий дастурлари жаҳоннинг турли давлатларида катта муваффақият қозонган. Ижодий жамоанинг концертлари БМТ Бош ассамблеяси, ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида намойиш этилган. Ёш ижрочиларнинг ижодини ўрганиш, таҳлил этиш, уларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига имкон яратиш оркестр фаолиятида муҳим ўрин тутади. Мазкур жамоа таркибида кўплаб нуфузли халқаро фестиваль ва танловларда совриндор бўлган Нодир Ҳошимов, Ойбек Имомов, Инна Зулфиқорова сингари иқтидорли ўзбек ёшлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг талаба ва ўқувчилари борлиги қувонарлидир. Жорий йилда оркестр Хитой, Беларусь сингари давлатларда ижодий сафарда бўлди.

– Ўзбекистондек санъат ва маданият юксак қадрланадиган юртга ижодий сафар билан келганимдан ғоят мамнунман, – дейди В.Спиваков. – Юртингизга «Виртуозы Москвы» камер оркестрининг концерти билан 2000 йилда келгандим. Тошкентни, мамлакатингизни меҳмондўст, бағрикенг ва тинч-осойишта замин сифатида ғоят қадрлайман. Ўзбекистон ўз истеъдодли фарзандлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Нодир Ҳошимов, Азиз Шоҳакимов сингари ёшларингизнинг хорижий давлатлар, жумладан, Россиядаги халқаро танловлардаги муносиб иштироки кўпчиликнинг ҳавасини келтирмоқда. Бу галги ташрифим чоғида ўтган давр мобайнида юртингизда улкан ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўлдим. Айниқса, Миллий санъат марказига ташриф пайтида Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудига хос маънавий мерос, санъат ва маданият ғоят қадрланишини кўрдим. Мамлакатингизда санъатнинг барча йўналишлари, жумладан, юксак даражада ривожланган дирижёрлик мактаби мавжуд. Мусиқа санъати соҳасига кўрсатилаётган улкан эътибор юртингиз келажаги, халқ маънавияти, ёш авлодга ғамхўрликдан далолатдир. Айни пайтда ўзбекистонлик томошабинларнинг мусиқани ғоят теран ва нозик ҳис этиши, санъатни ардоқлашини алоҳида таъкидламоқ даркор.

Кўтаринки ва байрамона руҳда ўтган концертда МДҲ мамлакатлари Ёшлар симфоник оркестри ижросида жаҳон ҳамда ўзбек бастакорлари асарларидан намуналар янгради.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Анжуманлар

# КЕЛГУСИ ИШ РЕЖАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, бу борада муайян ишлар қилинмоқда. Куни кеча Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг III Пленуми бўлиб ўтди.**

Тадбирда кун тартибидаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи қарори билан белгиланган пойтахт касаба уюшма ташкилотларида келгусида меҳнатни муҳофаза қилиш қонунига риоя этиш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш тўғрисида»ги масала юзасидан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари вазифасини бажариб келаётган Бахтиёр Ҳамидов маъруза қилиб, бу борада қилинган ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Таъкидлаб ўтилганидек, 2011 йилнинг 6 ойи давомида 214 та корхона ва ташкилотларда касаба уюшма қўмиталари фаолияти ўрганилган, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар, қоида ва меъёрларнинг 1397 га яқин бузилишлари аниқланган ва уларни бартараф қилиш бўйича тадбирлар тавсия қилинган. Меҳнат муҳофазаси юзасидан уч поғонали маъмурий-жамоат назорати 942 та корхоналарда йўлга қўйилган. Жамоа шартномалари орқали меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 4963 та тадбир амалга оширилган. Шаҳар касаба уюшмалари органлари тарафидан корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш, уларга киритилган икки ёқлама мажбуриятларни ўз вақтида бажариш устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилган.

Шунингдек, муҳокамада сўзга чиққанлар бу долзарб масала юзасидан қилинаётган ишлар, ечимини кутаётган масалалар, уни ҳал этиш йўллари хусусида тўхталиб ўтдилар. «Ўзметмашсаноат» касаба уюшма қўмиталари раислари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Шоикром Исроилов шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий масалалар бўйича комиссиясининг иши, «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш» мавзуидаги кўрик-танловнинг 2010 йилдаги якунлари, меҳнат муҳофазаси бўйича ечилиши лозим бўлган масалалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жумладан, анжуманда ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан устуворлиги, ушбу йўналишдаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб бориш, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидаларни белгилаб қўйиш, ишловчиларни махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, сут ва парҳез овқатлар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланганлар ёки касб касаллигига чалинганларнинг манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, касаба уюшмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳисобот йиғилишида кун тартибидаги бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилиб, келгуси иш режалари белгилаб олинди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

Иқтисодиёт

**«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компаниясида ишлаб чиқаришда илғорликни қўлдан бермай келаётган цехлар талайгина. Ёрдамчи-тайёрлов цехи номи ҳам фахр билан тилга олинади.**

# СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ЮҚОРИ

Бу ерда деталлар тайёрланиши билан бирга вагоннинг ишдан чиққан асосий қисмлари тезда созланиб, улар яроқлилик ҳолатига келтирилмоқда.

— Жамоамиз Олмалиқ кон-металлургия комбинати буюртмасини ҳам адо этиб келмоқда, — дейди цехнинг катта устаси Алишер Номозов. — Қилинган иш қанчалик сифатли бўлса, мижозлар сони ҳам шунча ортади. Улар меҳнат кўламини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бир кунда саккизта, бир ойда эса 140 дан ортиқ юк вагонлари таъмирдан чиқарилмоқда. Туб таъмирланган вагон янги заводдан ишлаб чиқарилганидан ҳеч фарқ қилмайди.

Цехдаги «1К — 62А» русумли йўниш, емирилган жойларни текислаб берувчи пайвандлаш дастгоҳлари ҳам иш самарадорлигини оширмоқда. Ушбу дастгоҳлар синган, емирилган, эзилган ва букланган каби нуқсонларни бартараф этишда қўл келмоқда.

Пайвандчилик меҳнати ҳам қадрланмоқда. Уларнинг ўз ишига масъулияти боис корхонада сифат кўрсаткичи юқори бўлмоқда.

**Илҳомжон ОЧИЛОВ**

# ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

**«Телеком инноватионс» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилганига ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Ўзбекистон ва Сингапур давлатлари ҳамкорлигида тузилган мазкур қўшма корхона рақамли телевидение сигналларини қабул қилишга мўлжалланган қурилмалари ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.**

Зеро, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникациянинг кенг тармоқлари сонини икки баробарга ошириш режасини тузган. Бунда алоқа бўлимларини «АДСЛ» русумли ускуналар полосали хизматларни кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса валюта маблағларини тежаш ҳамда маҳсулот нархини пасайтиришга имкон беради.

Айни вақтда хизматнинг «ЗТЕ» компанияси билан бирга телекоммуникация воситаларини ишлаб чиқарувчи янги технологик линия ҳам фойдаланила бошланди.

**Акбар АЛИЕВ**

